

5-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎЗ НУТҚИДА МАҚОЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ЎРГАТИШ .

Мактабда она тилини ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларда ўз она тилида фикрни тўғри аниқ, равион ва гўзал ифодалай олиш кўникмаларини шакллантириш ҳам; ривожлантиришдан иборатдир. Ўқувчи нутқига кўйиладиган муҳим талаблардан яна бир унинг бой, ранг-баранг ва таъсирчан бўлишидир. Нутқнинг бой ва таъсирчан бўлиши аввало фикрни баён қилишда ўзбек тилининг лексик имкониятлари: кўчма маъноли сўзлар, тасвирий ифода ва иборалардан, шунингдек, нутқнинг бадиий қимматини оширувчи воситалар: мақол ва маталларда ўринли фойдаланишда намоён бўлади. Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни ўзида мужассам этган мақоллар нутқнинг экспрессив (яъни, таъсир этувчи, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи воситалари орасида энг таъсирчан, энг эсда қолувчи, кишини ўйлашга мажбур қилувчи кучга эга воситадир. Бинобарин, ўқувчилар нутқини мақоллар билан бойитиш, уларни ўз нутқида мақолларда фойдаланишга ўргатиш она тили ва адабиёт предмети олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шунинг учун ушбу мақоламизни 5-синф ўқувчиларини ўз нутқида мақоллардан фойдаланишга ўргатиш усуллариини ишлаб чиқишга бағишладик.

Ўқувчи мақоллардан ўз нутқида фойдалана олиши учун аввало кўп мақолни ёддан билиши ва уларнинг маъносини тушуниши керак. Бунинг учун она тили ва адабиёт дарсларида ўқитувчи кўпроқ халқ мақоллари маъносини шарҳлаши, маълум бир халқ мақолини унинг бошқа шакли билан алмаштиришга ўргатиши лозим.

5-синф ўқувчиларига мақоллар маъносини тушунтиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд: 1. Тўғридан тўғри мақол маъносини изоҳлаш. Бунда ўқитувчи мақоллар маъноси изоҳланган турли манбалардан фойдаланиб, ўқувчиларга уларнинг маъносини шарҳлайди. Масалан, Ш.Шомақсудов ва Ш.Шораҳмедовларнинг "Ҳикматнома" деб номланган ўзбек мақоллариинг изоҳли луғатидан фойдаланиш мумкин.

5-синф ўқиш китобида мақоллар алоҳида мавзу сифатида берилган. Биринчи мақол "Она юртинг - олтин бешигинг". "Ҳикматнома" китобида бу мақол қуйидагича изоҳланади: Мақолларимизда ўзбек халқининг она - Ватанига бўлган чексиз муҳаббати, ҳурмати, садоқати ўз аксини топган. Уларда Ватан, эл-юрт улуғланади, ҳар ким ўз элида эркин нафас олиши, иззат-ҳурматда яшаши кўрсатилиб, Ватанни севиш, унга содиқ бўлиш зарурлиги уқтирилади. (300-бет). Шундан сўнг Ватанга муҳаббат ҳақидаги мақоллар қатори келтирилиб, шундай дейилади: "Бу каби туркум мақолларда Ватаннинг тинчлигини сақлаш, унинг дахлсизлигини, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, она тупроқни душман оёғи остида топтатмаслик, вайрон бўлишига йўл қўймаслик-олий бурч эканлиги уқтирилади". (300-бет)

Бу мақолдан кейин: "Илм - ақл чироғи", "Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни" мақоллари келтирилган. Ўқитувчи бу мақолларни изоҳлаш учун билимнинг аҳамиятини оддий ҳаётий мисоллар билан тушунтириб бериши лозим. Масалан, қўшиш, айириш, бўлиш, кўпайтиришни билмаган киши бозорга бориб бирор нарса харид қила олмайди, уй кўрмоқчи бўлса, унга қанча ғишт, тахта кераклигини ҳисоблай олмайди. Ҳаётингизда ота-онангиздан, ўқитувчилардан, атрофдагилардан ўрганган кўп нарсалар ҳам билимдир. Масалан, сувнинг ташналикни қолдириши, буғдойдан ун қилиниши, у билан хамир қилиниб, хамирдан нон ёпилиши, мевалардан мураббо тайёрланиши, шох-шаббадан ўтин сифатида фойдаланиш ва ҳоказолар. Булар ҳар бир кишининг яшаши, кун кечириши учун зарур ҳаётий билимлардир. Булардан ташқари турли илмий китоблардан ўқиб, табиат ходисаларини кузатиб, фикрлаб ҳосил қилинадиган чуқур билимлар бор. Билим сўзи, асосан, ана шундай билимларга нисбатан қўлланади. Бундай билимга эга бўлган киши олим дейилади. Олимлар эгаллаган билими асосида янги нарсаларни кашф қилади. Масалан, ўзимиз ҳар куни эшитадиган радиони олайлик. Биз радиодан эшитадиган овоз махсус радиоузатгич антеннаси радиотўлқинни нурлантиради, натижада тўлқин хоҳлаган масофага узатилади. Бунинг учун ҳеч қандай сим керак бўлмайди. Радиотўлқин ёрдамида овозни маълум масофага

узатиш усулини 1895-йилда рус олими Александр Попов кашф этган. Энди эса радиоалоқадан бутун дунё фойдаланмоқда. Шунинг учун, ўқувчилар, сиз кунт билан ўқиб, тинимсиз билим эгаллашингиз лозим.

Юкорида келтирилган мақоллар тўғри маъноли мақол бўлиб, уларнинг маъносини тушуниш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Бироқ шундай мақоллар борки, кўчма маънода қўлланади.

Масалан, қуйидаги мақолларнинг кўчма маъноси: "Хавф-хатардан қўрққан мақсадга етолмас":

- 1.Чумчукдан қўрққан тарик экмас.
- 2.Ўғридан қўрққан мол йиғмас
3. Кучукдан қўрққан гадо бўлмас.

Бундай кўчма маъноли мақоллар маъносини тушунтириш мураккаброқ бўлиб, бу ўқувчидан образли фикрлашни талаб қилади. Бундай мақоллар маъносини тушуниш учун мақолда ифодаланган образни, белги хусусиятларни одамларга кўчириш лозим.

Масалан, "Қовун қовундан ранг олади" мақолини оламиз. Ўқитувчи аввал бу мақолнинг ўз маъносини тушунтиради. Бир жойда, бир палакда ўсган қовунлар бир хил рангда бўлади. Масалан, биттаси сариқ бўлса, қолганлари ҳам сариқ бўлади. Кейин ўқитувчи мақолнинг кўчма маъносини изоҳлашга ўтади:

- Ўқувчилар, энди қовуннинг ўрнига одамларни қўйиб кўрамиз. Бир бирига ҳамроҳ бўлиб юрадиган одамлар бир-биридан нима олиши мумкин?

Ўқувчилар: - Бир-бирининг яхши ёки ёмон хислатларини олиши мумкин.

- Тўғри, Собир ва Абдулла деган икки бола бир-бирига дўст. Собир-дангаса, ўқишни хуш кўрмайдиган бола. Абдулла мустақил фикрли, иродали бола бўлмаса, Собирнинг йўриғига кирса. нима бўлади?

- Абдулла ҳам дангаса, ўқишни ёқтирмайдиган болага айланади.

- Тўғри, демак, сизлар ҳам дўст танлашда эҳтиёт бўлишингиз керак. Дангаса дўст сизга дангасалигини, ёлғончи дўст ёлғончилигини юктиради. Яъни қовун қовундан ранг олади.

5-синф ўқувчиларини ўз нутқида мақолларни қўллашга ўргатиш анча мураккаб иш. Бу ўқитувчидан мақоллар юзасидан мунтазам иш олиб боришни талаб қилади. 5-синф ўқувчиларини оғзаки ва ёзма нутқда мақоллардан фойдаланишга ўргатиш учун қуйидаги амалий ишлар, машқлардан фойдаланиш мумкин:

Ўқувчиларга мақолларнинг маъносини ифодалайдиган гаплар ёздирилиб, бу гапларнинг маъносига мувофиқ келадиган мақол топиб айтиш топширилади. Дастлабки пайтда бу мақолларни доскага ёзиб қўйиш ҳам мумкин.

Ўқитувчи доскага бир нечта мақол ёзади. Масалан: қуйидаги мақолларни ёзиш мумкин:

- 1.Чумчукдан қўрққан тарик экмас.
- 2.Қовун қовундан ранг олар.
- 3.Кўрпангга қараб оёқ узат.
- 4.Эгри тўнкага эгри тўқмоқ.
- 5.Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.
- 6.Кенгашли тўй тарқамас.
- 7.Бош омон бўлса, дўппи топилади.
- 8.Гул тикансиз бўлмас.
- 9.Семиз қўйнинг умри қисқа.
- 10.От тепкисини от кўтаради.

Шундан сўнг ўқувчиларга бу мақолларнинг маъноси тартиби ўзгарган шаклда ёздирилади.

- 1.Имкониятингга қараб иш тут.
- 2.Сабабсиз бирор воқеа бўлмайди.
- 3.Яқин кишиларнинг феъл-атвори бир-бирига юқади.

- 4.Маслаҳатлашиб қилинган ишнинг натижаси яхши бўлади.
- 5.Семириш соғлик учун хавфли.
- 6.Меҳнат - машаққатсиз роҳатга, мақсадга эришиб бўлмайди.
- 7.Хавф-хатардан қўрққан киши мақсадига етолмас.
- 8.Соғлик бўлса, бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин.
- 9.Тенгқурлар, дўстлар бир-бирларининг гапларини кўтаради.
- 10.Ёмон одамлар билан ўзига яраша муомалада бўлиш лозим.

Мақолнинг маъноси ёздирилгач, ўқитувчи ўқувчиларлан ёздирилган гапларнинг маъносини ифодаловчи мақолни топишни сўрайди.

Ўқитувчи: - Ўқувчилар, “Имкониятингга қараб иш тут” деган маънони қайси мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчилардан бири: - "Кўрпангга қараб оёқ узат" мақоли билан.

Ўқитувчи: Нима учун айнан шу мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчи: Чунки кўрпа калта бўлса, одам оёғини тортиши керак. Биз болалар ҳам катталар қиладиган оғир ишларни қилишга уринмаслигимиз керак.

Ўқитувчи: - Ўқувчилар, "Сабабсиз бирор воқеа содир бўлмайди" деган маънони қайси мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчилардан бири: - "Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди" мақоли билан.

Ўқитувчи: - Нима учун?

Ўқувчи: - Чунки дарахтнинг учи шамол бўлса, қимирлайди. Дарахтнинг учи қимирлашига шамол сабаб бўлади. Сабабсиз бирор нарсa юз бермайди.

Ўқитувчи: - "Яқин кишиларнинг феъл-атвори бир-бирига юқади" деган гапнинг маъносини қайси мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчилардан бири: - "Қовун қовундан ранг олади" мақоли билан.

Ўқитувчи: - Нима учун?

Ўқувчи: -Чунки бир палакда ўсган қовунлар бир хил рангга киради, бир-биридан ранг олади. Худди шундай бир-бирига яқин кишилар, дўстлар ҳам бир-бирига феъл-атворини ўтказади. Масалан, дангаса бола билан ўртоқ бўлган бола дангаса бўлади.

Ўқитувчи: - "Маслаҳатлашиб қилинган ишнинг натижаси яхши бўлади" деган гапнинг маъносини қайси мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчилардан бири:- "Кенгашли тўй тарқамас" мақоли билан.

Ўқитувчи: - Бирор иш қилишда ким билан маслаҳатлашиш керак.

Ўқувчи: - Тажрибали, кўпни кўрган, ёши катта кишилар билан маслаҳатлашиш керак.

Ўқитувчи: - "Семириш соғлик учун хавфли" гапининг маъносини қайси мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчилардан бири: - "Семиз қўйнинг умри қисқа" мақоли билан.

Ўқитувчи: - Нима учун семиз қўйнинг умри қисқа бўлади?

Ўқувчи: - Чунки семиз қўйни дарров сўядилар.

Ўқитувчи: Худди шундай, семиз одам ҳам турли касалликларга мойил бўлади. Узоқ умр кўролмайди. Семизлик эса кўп ейишдан, мечкайликдан юзага келади.

Ўқитувчи: - "Меҳнат, машаққатсиз роҳатга, мақсадга эришиб бўлмайди" деган гапнинг маъносини қайси мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчилардан бири: - Гул тикансиз бўлмас мақоли билан.

Ўқитувчи: - "Хавф-хатардан қўрққан киши мақсадига етолмас" гапининг маъносини қайси

мақол билан ифодалаш мумкин?

Ўқувчилардан бири: - "Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас" мақоли билан.

2.Синфдаги ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Иккала гуруҳдаги ўқувчилар навбатма-навбат бир-бирига бирор мақолнинг маъносини билдирадиган гап айтади. Ракиб гуруҳидаги ўқувчилар шундай маънони ифодаладиган мақол айтиши керак. Масалан, қуйидагича:

1-гуруҳ ўқувчиси: - Кўпчилик бирлашиб, ҳамжихат бўлиб ишга киришса, ҳар қандай мушкул ишнинг ҳам уддасидан чиқа олади.

2-гуруҳ ўқувчиси: - Кўпдан қуён қочиб қутулмас.

2- гуруҳ ўқувчиси: - Қийинчиликдан кўрққан киши мақсадига етолмайди.

1 - гуруҳ ўқувчиси: - Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас.

Айтишув шу тарздадавом эттирилади.

Бундай мақол айтишув ўқувчини кўп мақол ёдлашга, уларнинг мазмунини билишга мажбур қилади.

3.Ўқитувчи ўқувчиларга маълум бир ҳаётий вазиятни ва ўқувчилардан мана шу вазиятга мос мақол топиб айтишни сўрайди. Масалан, ўқитувчи шундай дейди: “Ўқувчилар, фараз қилинг. Анвар деган.бола кўчадаги ёмон, безори болаларга кўшилди. Отаси уни бу йўлдан қайтариш учун қайси мақолни ишлатиши мумкин?”

Ўқувчилардан бири: "Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади" мақолини ишлатиши мумкин" , -деб жавоб беради.

Яна бир вазият. Ўқитувчи ўқувчилардан сўрайди: "Ўқувчилар, бир камбағал одам ўғлини уйлантириш учун катта дабдабали тўй қилиб бермокчи. Унинг бундай тўй қилишга имконияти йўқ. Шунинг учун бошқалардан қарз олишга мажбур. Одамлар унга бу ншни қилмаслиги учун унга қайси мақолни айтиб маслаҳат бериши мумкин?"

Ўқувчилардан бири: "Кўрпангга қараб оёқ узат" мақолини айтиб маслаҳат бериши мумкин " , -деб жавоб беради.

4. Ўқувчиларга бирор бадий асар (ҳикоя, эртак) ўқитиб, улардан шу асар мазмунига мос мақол топиш сўралади. Бунинг учун адабиёт китобидаги матнлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, 5-синф адабиёт дарслигида "Сусамбил" эртаги берилган. Бу эртакда ҳўкиз, эшак, ҳўроз, каламушлар ва ариларнинг Сусамбил деган сўлим жойни топиши ва биргалашиб бўриларни енгиши ҳақида ҳикоя қилинади. Демак, бу эртак ахиллик ҳақида.

Ўқувчилар бу эртакнинг мазмунига мос келадиган қуйидаги мақолларни айтиши мумкин:

1. Бирлашган дарё бўлур,

Тарқалган ирмоқ бўлур.

2.Бирлашган ёвни қайтарар.

3.Бирлашган куч енгилмас.

4.Бирлашган тоғни талқон қилар.

5. Олтовлон ола бўлса,

Оғзидагин олдирар.

Тўртовлон тугал бўлса,

Унмаганни ундирар.

5. Ўқувчиларга ижодий матн туздирилиб, уларга шу матнда мақолдан фойдаланиш топширилади.

Бундай машқлар ўқувчиларда ўз нуткида мақоллардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиради.